

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

«ИЖОД ПСИХОЛОГИЯСИ ПРЕДМЕТИ»

МАВЗУСИДА

КУРС ИШИ

Бажарди: 101-педагогик

психология бўлими талабаси

МАМАДИЯРОВА Д.У.

Илмий раҳбар:

доц. САЛАХУТДИНОВА М.И.

САМАРҚАНД - 2015

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I боб. Ижод психологиясининг асосий ўрганиш объектлари.....	6
II боб. Ижодий қобилиятлар турлари.....	12
Хулоса.....	24
Фойдаланилган адабиётлар.....	26
Илова.....	28

КИРИШ

Тадқиқот мақсади. Ижод жараёнини психологик жиҳатдан ўрганишдан мақсад ижодий муҳит, ижодий иқлим, ижодий гуруҳлар, ижодкор шахси учун қулай психологик шарт-шароитлар яратишдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг IX боб, 42-бандида таъкидлаб ўтилганидек, «Ҳаммага илмий ва техник ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техник тараққиёти ҳақида қайғуради».¹

Ижод жараёнини босқичма-босқич ўрганиш натижасида инсон онгининг фақат ўзига хос, феноменал жиҳатлари намоён бўлади. Ҳар бир ижод босқичи мураккаб жараён бўлиб, у ижодкор инсоннинг эҳтиёжлари, қадриятлари, ҳиссиётлари ва интеллекти хусусида ахборот беради.

Ижод психологияси фалсафа, мантиқ, нафосатшунослик, адабиётшунослик, жамиятшунослик фанлари билан бевосита боғлиқ. Ҳар бир инсоннинг ўз ҳаёт фалсафаси, юксак ҳиссиётлари, оламни ўзича қабул қилиши ва ўз «Мен»ини идрок этиши унинг ижодий фаолиятида акс этади.

Ижодий фаолият янги нарса ихтиро қилиш, янги модел яратиш, оригинал санъат асарини дунёга келтиришдир. Шу билан бирга, бор моделнинг фақат кичик бир жиҳатига ўзгариш киритиш, мустақил қарорга келиш, шахсий хулоса чиқариш ҳам ижодий фаолият ҳисобланади. Демак, шахс ўз ҳаёт позициясини белгилаши, тифиз вазиятларда эталон бўйича эмас, янги, ўз фикри билан ҳаракат қилиши ҳам ижодий фаолиятдир. Шунинг учун ижодий қобилиятлар ҳар бир инсонга хос, дейилади.

Ижодий фаолият натижасида янги моддий ва маънавий қадриятлар вужудга келади. Ижод ўз моҳияти жиҳатидан тарихий-маданий ҳодиса бўлиб, шахс ва жараён каби психологик аспектларга эга. У шахсда қобилиятлар, мотивлар, билим ва малакалар борлиги туфайли янгилиги,

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёт-полиграфик ижодий уйи, 2008. с.10.

оригиналлиги, ноёблиги билан ажралиб турувчи маҳсулот яратилишини таъкидлайди. Шахснинг бу хусусиятларини ўрганиш натижасида тасаввурнинг, интуициянинг, ақлий фаолликнинг англамаган компонентлари, шунингдек, шахснинг ўзини англашга, ўз яратувчилик имкониятларини кенгайтиришга бўлган эҳтиёжлари руёбга чиқади. Ижод маданиятнинг қайси соҳасида қўлланса (ишлаб чиқариш, техника, санъат, фан, сиёсат, педагогика ва б.), уларнинг ҳар бирида ижод психологиясининг ўзига хослигини, шунингдек, улар орасида муносабат характери аниқлашни талаб этади.

Ижод психологиясини ўрганишнинг аҳамияти. Психологик сиғишувчанликни таъминловчи сифатларни ҳисобга олмасдан ижодий гуруҳни шакллантириш мумкин эмас. Бусиз гуруҳ руҳан бирика олмайди ва иш имкониятлари пасаяди. Шунинг учун ижодий иқлимни яратиш учун нафақат қобилиятлар тузилишини, балки шахснинг бошқа хусусиятларини – иродавий сифатлари, эмоционал томонларини ҳам ўрганиш талаб қилинади. Бундан ташқари, тадқиқот лабораторияларидаги меҳнатни тўғри илмий ташкил этишнинг аҳамияти катта бўлиб, бунинг учун ижодий жараён характери, унинг қонуниятлари ва босқичлари ҳақида бирмунча аниқ тасаввурга эга бўлиш керак. Ижодий фаолият психологиясини ўрганиш амалий аҳамият касб этапти. Бизнинг замонамизда талант ва ижодий иқтидор иқтисодий тараққиёт асоси ва миллий нуфуз воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ижод психологияси ўрганиш методлари. Ижодни тадқиқ қилиш бир неча методлар орқали олиб борилади. Биринчи метод – илмда самарали меҳнат қилиб, уни кашфиётлар билан бойитган ва кексаликда ўз меҳнатининг характери ҳақида ҳикоя қилишга интилувчи олимлар тажрибасини ўрганиш. Бундай олимларнинг ҳикоялари жуда қизиқ. Бироқ, гоё туғилган, илмий муаммо яралган шароитни таҳлил қилиб, муаллифлар ижодий жараён механизмлари ҳақида, унинг психологик тузилиши ҳақида ҳеч нарса дея олмайдилар.

Иккинчиси – модел тажриба методи. Унда ҳам муҳим камчиликлар бор. Улардан бири – синалувчига аллақачон бажарилган вазифа таклиф қилинади ва олдиндан унинг ечими борлиги айтилади. Ижодий жараён фақат ечимни топиш эмас, муаммо қидиришда махсус зийраклик, тўғри вазифа қўя олишдир. Бу атрофдаги номутаносибликларни махсус идрок қилиш, қабул қилинган назарий тушунчалар ва реал ҳаётнинг фарқларини кўра олишдир. (Тажриба назариядан қанча узоқ бўлса, у Нобель мукофотига шунча яқин, - деб таъкидлаган Жолио-Кюри). Модел тажрибанинг яна бир қийинчилиги лабораторияда олинган хулосани реал ҳаётӣй вазиятларда ижодий жараёнга тадбиқ этиш ҳуқуқи муаммоси билан боғлиқ.

Ижод тадқиқидаги учинчи йўналиш – ижодкор шахснинг психологик хусусиятларини ўрганиш, психологик тестлар, психоневрологик текширув, анкета методи ва уни статистик ишлаб чиқишдир. Албатта, бу ерда ижодий жараённинг нозик механизмларини англаш ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Тадқиқотчилар фақатгина мактабдан, ҳеч бўлмаганда университетдан бўлажак кашфиётчиларни танлаш учун қандай инсоний хусусиятларни аниқлаш кераклигини билишга уринадилар.

Ижод психологиясининг асосий объектлари: ижод жараёни, ижодкор шахс, ижодий қобилиятлар, ижодий иқлим. Булардан яна бир нечта масалалар келиб чиқади: масалан, ижодий қобилиятларни тарбиялаш ва қўллашнинг шартлари қанақа? Ижоднинг қайси босқичлари ижодкор шахснинг у ёки бу хислатлари билан боғлиқ? Ижодий гуруҳнинг оддий гуруҳдан фарқи нимада? Нима учун баъзи одамлар бошқалардан кўра кўпроқ ижодга интиладилар?

Ижодий қобилиятларнинг туғма белгилари ҳар қандай одамга, ҳар қандай нормал болага хос. Фақат уни очиш ва ривожлантира олиш керак. Йирик ва ёрқин талантлардан кичик ва сезилмас талантгача – узилмас «талантлилик континууми» мавжуд. Бироқ, ижодий жараён моҳияти ҳамма учун бир хил. Фарқи – ижоднинг аниқ материалида, ютуқлар кўлами ва ижтимоӣй аҳамиятида. Ижодни ўрганиш учун фақат гениал одамларни

тадқиқ қилиш шарт эмас. Ижод элементлари кундалик ҳаётий вазифаларни ечишда кўринади, уларни «одатий» фикрлаш жараёнида ҳам кўриш мумкин.

I боб. ИЖОД ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ АСОСИЙ ЎРГАНИШ ОБЪЕКТЛАРИ

Ижодий фаолият моҳияти. Ижоднинг маҳсули фақат моддий нарсалар – бинолар, машиналар, суратлар ва бошқалар эмас, янги фикрлар, ғоялар, қарорлар ҳам бўлади, фақат улар бирдан моддий самара бермайди. Ижод бу турли ҳудудли ва чегарали, моддий ва номоддий янгиликлар яратишдир. Буларнинг ҳаммаси ижодий фаолият билан шуғулланаётган одамнинг субъектив кечинмаларига боғлиқ.

Ижодий фаолият тузилиши. Ижодий фаолият тизими таркибида бир нечта кичик тизимлар бор. Бу – ижодий фаолият жараёни, ижодий фаолият маҳсули, ижодкор шахси, муҳит ва шароит. Ўз навбатида ҳар бир кичик тизимнинг асослари бор. Масалан, ижодий жараён вазифа қўйиш, фикрни шакллантириш, фикрни амалга оширишдан иборат; ижодкор шахси қобилиятлар, ақлий хусусиятлар, темперамент, ёш, характер ва бошқаларга боғлиқ; муҳит ва шароит атроф-муҳитни, жамоани, ижодий фаолият стимуллари ва тўсиқларини намоён этади.

Ижодий фаолиятнинг асосий мотивлари. Инсонни ўз ижодий фаоллигини оширишга ва намоён этишга нима мажбур қилади?

Агар бу масалага аниқлик киритсак, ижодкор инсонни тарбиялаш ва ривожлантириш йўллари аниқлашади.

Маълумки, ҳар қандай тизим, жумладан, инсон ички (шахсий) эҳтиёжлар ва ташқи атроф-муҳит талаблари таъсири остида ўзгара бошлайди, яъни ривожланади².

Шу нуқтаи назардан, инсон ижодий фаолиятининг ички мотивларига қўйидагилар киради:

1. Инсонга ирсий берилган изланиш эҳтиёжидан фойдаланиш. Ҳар қандай тирик мавжудот, айниқса одам ҳаётининг биринчи кунларидан ўзи тушиб қолган муҳитни фаол ўрганади ва уни ўзига мослаштиришга уринади.

² Иванов Г.И. Основные мотивы творческой деятельности человека (тезисы). Ангарск, 1999. ivano@irmail.ru.

Табиий изланиш эҳтиёжи (қизиқиш)дан фойдаланиш вазиятни таҳлил қилишга, хулосалар чиқаришга, ижодий қарорлар қабул қилишга мажбур қилади.

2. Сақланиш, наслини давом эттириш, яшаш учун кураш инстинкти. Экстремал шароитларда ҳаётни сақлаб қолиш ва уни давом эттиришга қаратилган ижодий ҳаракат ва ишлар кучайиши кузатилади. Тарихда бунга мисоллар кўп.

3. Дастлабки моддий эҳтиёжларни қондириш (овқат, уй, кийим ва ҳ.к.). Жаҳон патент фондининг катта қисми инсоннинг айнан шу эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ижодий қарорларга эга.

4. Дастлабки маънавий-ижтимоий эҳтиёжларни қондириш (ўз-ўзини ҳурмат қилиш, тан олиниш, яхши кўриш, ўзини кўрсатиш, ўзини ривожлантириш). Дастлабки моддий эҳтиёжлар қондирилаётганда ҳаётда ўз ўрни ва аҳамиятини англаш истагига асосланган маънавий эҳтиёжлар намоён бўлади. Инсон ўз-ўзини тан олади, яъни кадрлайди, ўзини ҳурмат қилиш ҳиссини ҳосил қила бошлайди ва яқин атрофидагилардан, кейин ҳаммадан ўз шахси ҳурмат қилинишини кутади. Бу туганмас ва доимо ўсиб боровчи эҳтиёж ижод намоён бўлишининг кучли мотивларидан биридир.

5. Манфаатпарастлик, ҳукмронликка интилиш, карьеризм. Бой ва ҳукмрон бўлишга интилиш баъзилар учун ўз ижодий қобилиятларини ривожлантиришда кучли мотив ҳисобланади. Эҳтимол, бу шахсий хавфсизлик ва яшаш учун кураш эҳтиёжини қондириш билан боғлиқдир.

6. Дангасалик, ўз кучини аяш, паразитизм. Кўпчилик дангасалик ва атроф-муҳитда паразитлик қилиш истаги инсоният тараққиётининг, айниқса, унинг дастлабки даврларида ҳаракатлантирувчи кучларидан бири бўлган, деб ҳисоблайди. Ибтидоий одам овқат излашдан чарчаган ва деҳқончилик билан шуғуллана бошлаган, ов қилишга эринган – чоҳ қазиб тузоқ қўйишни ўйлаб топган, пиёда юргиси келмаган – от-арава, паровоз, автомобилни ўйлаб топган ва ҳ.к.

Инсон ижодий фаолиятининг ташқи мотивлари:

1. Инсоният тараққиётида оила, мамлакат эҳтиёжларини қондириш. Юқоридаги эҳтиёжларни қондириш учун ижод намуналарига жуда кўп мисоллар келтириш мумкин – оила ташкил этилишидан, то йўлдошли алоқа, Интернет тизимигача. Замонавий инсонда ижтимоий эҳтиёждан ҳосил бўлган бу мотив бирмунча аниқ намоён бўлади.
2. Жамият мафкураси, маданияти ва афсоналарига эргашиш. Ҳар бир шахс у ёки бу даражада ўз жамияти мафкураси, умум қабул қилинган афсона ва эътиқоди таъсирида бўлади. Бу элементлар шахс ўзи яшаётган жамиятни сақлаш ва қўллаб-қувватлаш эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган ижодий фаоллик намоён бўлишига сабаб бўлади ва уни стимуллайди.
3. Урф (пода бўлиб яшаш) ҳисси, бошқалардан кам бўлмаслик истаги. Бу мотив «бошқаларга ўхшамаслик» тушунчаси умум қабул қилинган қоида ва нормаларни бузиш деб ҳисобланувчи жамиятларда, айниқса ривожланган. «Бошқаларга ўхшамаган» одам жамият томонидан тан олинмайди. Бундай жамиятда агар муҳит ижодий бўлса, унга тушган одам ҳам қобилиятларини ривожлантиришга интилади.

Санаб ўтилган мотивлар бирдан, ҳаммаси турли даражада таъсир қилади, лекин биттаси асосий ўринда бўлади. Бу инсон яшаётган тарихий ва ижтимоий шарт-шароитлар, унинг тарбияси, билими, дунёқараши билан боғлиқ.

Мотивация турлари масаласи ўрганилаётганда қуйидаги вазифа пайдо бўлади: ҳозирги замонда ижоднинг қайси мотивларини ривожлантириш, бунинг учун қандай методларни қўллаш керак? Бу ижодкор шахсни тарбияловчи ота-оналар, ўқитувчи ва педагоглар учун катта ҳажмдаги ишлар борлигини билдиради.

Ирсият. Шахс иқтидорли бўлиши учун ирсият муҳимми ёки тарбия деган савол атрофида кўп баҳслар бўлади. Уларнинг қайси бири устун эканлигига жавоб қидирамиз.

Тарихдан маълум бўлишича, буюк шахсларнинг авлод-аждодлари орасида кўп талантликлар, ҳатто генийлар бўлар экан. Амир Темур сиёсатда,

ижтимоий фаолиятда талантли, гениал шахс деб тан олинган. Унинг аждодлари ва авлодлари ҳам бу соҳаларда бошқалардан устун туришган. Алишер Навоий Амир Темур ҳақида «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида « - агарча назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқеъда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонча бор» - деб ёзади. Шу тазкирада 21 та темурий шахзоданинг шоирлик иқтидорига эга эканликлари бирма-бир таъкидланади. Тарихда ном қолдирган гениал шахслар – Улуғбек Мирзо, Бобур Мирзо, Ҳусайн Мирзолар Амир Темур авлодига мансуб бўлишган. Алишер Навоий тазкирасига кирган ижодкор шахзодаларнинг аксарияти девон тузишган. Бу рўйхатга ҳали Бобур Мирзонинг қизлари киритилмади.³

И.С. Бах оиласининг беш авлодидан 16 та композитор етишиб чиққан. Л. Толстой ва А.С. Пушкиннинг катта оналари опа-сингил бўлишгани ва бошқа кўп мисоллар қобилиятли бўлишда ирсий омил кучлироқ деган хулосани беради.

Лекин тарихда юқорида келтирилган мисолларга қарама-қарши мисоллар ҳам учрайди. Гениал математик Д. Гильбертнинг ўғли ташқи кўриниши бўйича худди отасига ўхшарди, аммо, математик қобилиятга эга эмас эди.

Шахс ва унинг авлодлари етиштирилаётган бирор пахта навига ўхшаб, бир хил хусусиятга эга бўлмайди. Фақат унда генотипга боғлиқ ҳолда у ёки бу хил қобилиятни аниқлаш ва ривожлантириш мумкин. Ҳар бир одам ўз генетик конституциясига, ота-онасидан берилган генлар умумлашмасига эга.

Инсон зотиға хос бир хил генотипга эга одамлар, бир вақтнинг ўзида яқка, фақат ўзларига хос генотипга ҳам эгадирлар. Монозигот (бир тухумдан шаклланган) эгизакларгина ўхшаш генотипли бўлишлари мумкин. Айтмоқчимизки, ижодий иқтидор ҳам авлодда ўзгармас даражада, айнан такрорланмайди. У фақат қулай, етакчи омил бўлиб хизмат қилади. Ёзувчиларнинг фарзандлари кўпинча таржимон, муҳаррир, журналист бўлиб

³ Салахутдинова М. Ижод психологияси. Самарқанд, 2005. 42-б.

етишадилар, ҳеч бўлмаганда уларнинг нутқ қобилиятлари ўртачадан юқори бўлади. Бунинг сабаби регрессия қонуни. Интеллектуал коэффиценти (ИК) юқори бўлган ота-оналарнинг болаларида иқтидорли бўлиш имконияти кучли. Лекин улар ўртача даражага (регрессия) тушиб қолишлари кузатилади.

Бунга мисол: умумий аҳоли ИК си – 100. Невропатолог шифокор ёки назариётчи физикларнинг ИК си – 160 деб айтайлик. Шундай ИК лиларнинг болалари ИК си аҳоли умумий ИК си ва ота-оналари ИК си ўртасида бўлади, яъни пасаяди ва тахминан 130 ИК га тенг бўлади.

Аҳоли	Ота	Она	Бола
ИК = 100	ИК = 160	ИК = 160	ИК = 130

Аҳоли	Ота	Она	Бола
ИК = 100	ИК = 160	ИК = 120	ИК = 140

Албатта, юқоридаги кўрсаткичлардан 160, 170 ИК ли ёки 100, 80 ИК ли болалар ҳам бўлади, лекин, кам ҳолларда.

Инсон онги феноменал хусусиятга эга. Шунинг учун деҳқоннинг фарзандидан етук олим ёки ёзувчи чиқиши мумкин. Талантли одам ҳар қандай оилада, ҳар қандай халқ орасида, ҳар қандай ижтимоий гуруҳда ҳам туғилиши мумкин.

Муҳит. Агар талант фақат биологик (генетик) шартларга бўйсунганда ҳамма кашфиётлар миқдори вақтга нисбатан бир хил бўлинарди. Нима учун бир тарихий даврда мусиқа санъати юксак ривожланган, бошқа тарихий даврда шеърят ёки физика фани? Бунда жамият эҳтиёжини намоён қилувчи маълум бир касб нуфузи муҳим аҳамиятга эга бўлган. Давр, муҳит талантларни кашф қилади. Баъзи одамларда мусиқага, математикага ёки тилга қобилятлилик аниқ сезилади. Кўпчилик эса умумий қобилятли хисобланади. Улар биология, физика, медицина соҳасида бир хил қобилят

кўрсатиши мумкин. Бу ҳолда касбнинг ижтимоий нуфузи, ўша касбга нисбатан ҳурмат, қизиқиш, моддий таъминланиш ва илмий ўсиш истиқболлари каби омиллар ишга тушади. Натижада ўспирин ўзи хоҳлаган соҳани танлайди. Фан нуфузи қанча баланд бўлса, унга шунча кучли иқтидорлилар жалб қилинади.

Инсон миясининг потенциал имкониятлари охиригача ўрганилмаган. Генийлар ижодига қараб инсоннинг нималарга қодирлигини кўриш мумкин. Кўп одамлар ўз онгидан жуда паст фойдали иш коэффиценти билан фойдаланишади. Балки, фақат буюк ёзувчилар, олимлар, мусикачилар ва ҳ.к.лар ўз ақл кучидан тўғри фойдалансалар керак. Ҳар бир одам ўз қобилиятидан ижодий самара олиши учун нима қилиши керак?

Илгари ижодий қобилиятни ривожлантиришга эътибор берилмаган. Талант ҳамма вақт ўзига йўл очади, дейишган. Аслида бундай эмас. Ижодий қобилиятларни ривожлантириш даражаси уларни тарбиялашга боғлиқ. Ирсий омилнинг ижодга таъсири, шубҳасиз. Ижодий қобилиятни қўллаш учун эса қулай шароит керак. Акс ҳолда, битта ўзига йўл очган талантга юзта очилмаган талант тўғри келади.

II боб. ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАР ТУРЛАРИ

Муаммо излаш. Одамлар ташқи кўзғовчилар оқимидан билим ва тасаввурлари доирасига сиғадиган нарсаларни қабул қилишади, бошқа ахборотни эса онгсиз тарзда «ташлаб юборишади». Идрокка одатий установкалар, қадриятлар, хиссиётлар, шунингдек, умум қабул қилинган қарашлар ва фикрларга тобелик таъсир этади. Олдин ўзлаштирилган билимлар доирасига сиғмайдиган нарсани кўра билиш қобилияти оддий кузатувчанликдан юқори туради. Янгича ва ўткир назар кўзнинг эмас, тафаккурнинг, миянинг сифатидир.

1590 йил машҳур Пиза минорасига чўян ядро ва кўрғошин мушкет ўқи кўтарган одам чиқади. У иккита нарсани ҳам пастга ташлайди. Пастда турган ўқувчилар ҳам, ўзи ҳам ядро ва ўқнинг ерга бир вақтнинг ўзида тушганини кўрадилар. Бу Галилео Галилей эди.

2000 йил давомида, Аристотель замонидан жисмнинг тушиш тезлиги унинг оғирлигига пропорционал деган ишонч мавжуд эди. Дарахтдан узилган куруқ барг ерга секин тушади, пишган мева эса ерга тошдек отилиб тушади. Буни ҳамма кўрган. Бироқ, бошқа нарсани ҳам ҳамма кўрган: қоядан тушган катта-кичик тошлар, ўлчамлари турли бўлишига қарамай, ерга бир вақтда келиб тушади. Бунга ҳеч ким аҳамият бермаган. Чунки қараш ва кўриш бир нарса эмас. (Шундай қонуниятга овчи итлар мутахассиси М. Пришвин ҳам аҳамият берган. Унинг таъкидлашича, ҳид билиш итнинг бурнида эмас, бошида ҳосил бўлар экан). Демак, Эйнштейннинг одамларнинг кузатган нарсалари улар қўллаган назария билан белгиланган, дегани тўғри. Галилей Аристотелнинг механикасидан шубҳалангани сабаблигина ўқ ва ядронинг тушиш тезлиги уларнинг оғирлигига боғлиқ эмаслигини аниқлаган. Шундан кейин тажриба қилиш ғояси пайдо бўлади. Тажриба натижалари ҳам кутилмаган эмас эди. Улар фақат эркин тушиш тезлиги тушаётган жисм массасига боғлиқ эмаслиги ҳақидаги аллақачон шаклланган фаразни тасдиқлар эди, холос.

Тажриба ўта оддий, махсус қурилма ва мосламаларсиз ўтказилган. Томга чиқиб иккита юкни пастга ташлаш ҳамманинг ҳам қўлидан келарди. Лекин ҳеч ким 19 аср давомида бу ҳақда ўйлаб кўрмаганди. Галилей муаммони ҳамма учун аниқ, Аристотелнинг обрўси ва икки минг йиллик анъана билан чулғанган нарсада кўра олди.

Назария кузатиш натижасига қандай таъсир қилишига америкалик Т. Кун «Илмий инқилоблар тузилиши» китобида мисол келтиради. Н. Коперник системаси қабул қилингандан 50 йил ўтиб, астрономлар жуда кўп осмон жисмларини кашф қилишган. Кузатиш методлари ҳам олдингидек эди. Янги назария кузатувчилар олдин кўрмаган нарсани кўришларига сабаб бўлган.

Психологларнинг кузатишича, кўргазмали образларни идрок қилишда идрок қилинган белги ва сўзлар ўртасида алоқа ўрнатилади, яъни кўриш тажрибасининг вербаллашуви юз беради.

Антропологларнинг кузатишлари бу қарашни тасдиқлайди. Маълум бўлишича, Шимолий америка хопи қабиласи ҳиндулари тилида «яшил» сўзи бор, аммо, «ҳаворанг» сўзи йўқ экан. Улар яшил рангни ҳаворангдан ажрата олмайдилар. Бироқ, уларнинг ичида инглиз тилида гапира оладиганлари бу икки рангни жуда яхши ажратишади.

Демак, бошқа кузатувчилар эътибор бермаган янги нарсани топиш учун мос тушунчаларни шакллантириш керак. Бу кўпинча сўзлар ёрдамида шаклланади. Бошқа ахборот кодлари ҳам қўлланиши мумкин.

Фикрлаш операцияларини умумлаштириш қобилияти. Тафаккур жараёнида бир фикр занжиридан бошқасига аста-секин ўтиш керак бўлади. Баъзан шунинг учун биринчи фикрдан то охирги фикргача тафаккур назари билан қамраб олиб бўлмайди. Бироқ, инсон фикрларнинг узун занжирини умумлаштириб, уни битта умумлаштирувчи жараён билан ўзгартириш қобилиятига эга.

Фикрлаш операцияларини умумлаштириш жараёни – бир нечта тушунчаларни биттаси билан англаш, символлардан фойдаланиш

қобилиятидир. Баъзи тадқиқотчилар кўчкидек ёпирилиб келаётган илмий ахборот охир-оқибат фан тараққиёти тезлигининг сусайишига олиб келиши мумкин, деб ўйлагандилар. Улар ижод қилишдан олдин узоқ вақт давомида зарур билимларни йиғиш керак деб ҳисоблашарди. Бироқ илмий ахборот ортиши фан тараққиётини сусайтирмади ёки тўхтатмади. Уни қабул қила олиш эса, қисман, инсоннинг умумлаштирувчи ақли туфайли бўлади. Бирмунча мавҳум тушунчалардан фойдаланиб, инсон ўз ақлий диапазонини кенгайтиради.

Масалан, химияда оксидланиш тушунчаси XVIII асрда пайдо бўлди ва у модданинг кислород билан бирикишини англатарди. Юз йил ўтиб тушунча кенгайди. Энди фақат кислород бирикиши эмас, модданинг водород йўқотиши ҳам тушунила бошлади. Ҳозирги кунга келиб бу тушунча умуман элементнинг электрон йўқотишини билдиради. Бундан кўриниб турибдики, бир ярим аср давомида тушунча ҳажми жуда кенгайган.

Яна бир мисол. Экспериментга бўлган ҳозирги қараш Ф. Бэкон ва Ж. Локк тасаввурларидан тубдан фарқ қилади. Эмпирик метод асосчилари обрў ва догмага кўр-кўрона эргашишга қарши чиқишган. Улар сезги органларини ишончли билишнинг ягона манбаси деб ҳисоблаб, фақат «ҳиссий тажриба»га ишонишга чақиришган. Бизнинг замонимизда эса эксперимент танқидий операция сифатида қаралиб, бир нечта фаразлардан бирини танлашга ва шу билан илмий фикрнинг кейинги йўналишини белгилашга хизмат қилади. Шундай илмий тушунчалар борки, улар ўзида жуда кўп тушунча, факт ва кузатишларни синтезлайди. Шартли рефлекс тушунчаси жуда қисқа, 4 символда берилган: $V=IR$, аммо фавқулодда кўп ахборотни ўзида жамлаган.

Тушунча ва улар ўртасидаги муносабатларни оз символлар билан белгилаш – самарали тафаккурнинг муҳим шартидир. Материални қулай символлашнинг фойдаси қуйидаги мисолда аниқ кўринади. Ўрта асрларда арифметик бўлишга ўрганиш учун университетда ўқиш лозим бўлган. Фақат Италия университетида буни ўрганиш мумкин бўлган. Чунки Рим рақамлари

билан миллионли сонларни бўлиш жуда мураккаб бўлган. Араб рақамлари киритилиши билан ҳаммаси ўзгаради. Энди 9 ёшли бола ҳам алгоритм ёрдамида миллиардли сонларни ҳам бўла олган. Ахборот маъноси ҳажми ўзгармаган, бироқ символлар мукаммаллашган.

Аниқ ва қисқа символли белгилар материални ўзлаштиришни осонлаштиради. Аллақачон маълум фактни қисқа ёзиш, ишлаб чиқилган назарияни ихчам баён қилиш ижодий характерга эга бўлиб, ностандарт тафаккурни талаб қилади.

Тажрибани кўчириш қобилияти. Бир вазифани ечиш давомида ҳосил бўлган малакани бошқасига қўллаш, муаммодаги керакли ва кераксиз нуқталарни ажратиш ва мумкин бўлса уни бошқа соҳага қўллаш умумлаштирувчи стратегияни ишлаб чиқиш қобилияти демакдир. Математик С. Банах айтади: «Тушунчалар ўртасидаги ўхшашликни кўра олган одам – математик; исботлар ўртасида ўхшашлик ўрнатган одам – яхши математик; назариялар ўхшашлигини кўра олган одам – анча кучли математик; бироқ, аналогиялар ўртасида аналогиялар кўра оладиган одамлар ҳам бор».

Ўхшашликлар қидириш – малака ёки ғояни кўчиришнинг муҳим шarti ҳисобланган умумлаштирувчи стратегияни ишлаб чиқишдир.

Афсонавий Дедалнинг жияни Тал балиқнинг умуртқа поғонаси ёки илоннинг жағидан арра образини олган. 1818 йилда инглиз инженери М. Брюнель кема қуртига айнан ўхшаш сувости туннелини яратди. 1903 йилда ака-ука Райтлар қуш образидан аэропланни мукаммал учадиган қилдилар. Телефонни кашф қилган америкалик А. Белл мурданинг ўрта қулоғини телефон аппаратига жойлади ва у техник вазифани бажарди. Техник ижоднинг бу йўналиши «бионика» деб аталади. Албатта, фақат «биологик объектлардан» кўчириш шарт эмас, аналогиялар ҳамма нарсада бўлиши мумкин.

Диққатнинг кенг бўлиниши муаммони ечиш имкониятини оширади. «Бегона» ахборотдан фойдаланиб вазифани ечиш – ёндош фикрлашдир.

Бунинг намунали мисоли Архимеднинг гидростатиканинг асосий қонунини кашф этишида кўринади. Агар муаммо фаолиятнинг ўзгармас мақсадига айланса, доминантлик қилса, ёндош тафаккур фойда беради. Фикр ҳаракатини йўналтирувчи, мақсаднинг нейрон моделида қўзғалиш шакллантирувчи ва уни узоқ вақт ушлаб турувчи миянинг қобиляти иқтидорнинг таркибий қисмларидан биридир. Ташқи қўзғовчини ўзига тортувчи доминанта – тушунча, тасаввур, фикр, муаммо бўлиши мумкин.

И. Мечников организм инфекция билан қандай курашади, деган муаммо билан қаттиқ банд эди. Бир куни у шаффоф денгиз юлдузчалари личинкаларини кузатиб туриб уларнинг тўдасига бир нечта атиргул тиканини ташлайди. Личинкалар тиканларни ўраб олиб еб қўйишади. Мечников дарҳол бу кузатишни бармоққа кирган тикан билан боғлади: қўлга кирган тиканни оқ қон таначалари (йиринг) ўраб олади ва эритиб (еб) юборади. Шундай қилиб, фагоцитоз назарияси яратилади.

Шотландиялаик врач Ж. Данлопнинг ўғли тош йўлдан велосипедда юриб қийналарди. Данлоп боғини шланг билан суғора туриб унинг енгил пружинасимон сакрашига эътибор берди. Натижада у биринчи бўлиб шинани кашф этди.

Келтирилган барча мисолларда ёндош фикрлаш қийин муаммони, айнан унинг доминант бўлганлиги, барча ташқи қўзғовчиларни ўзига тортганлиги учун ечган.

Идрок яхлитлиги. Бу атама билан борлиқни яхлит, бўлмасдан (майда мустақил бўлақларни идрок қилишдан фарқли тарзда) қабул қилиш қобиляти белгиланади. И.П.Павлов олий пўстлоқ фаолиятини икки асосий типга – рассомлар ва фикрловчиларга бўлиб кўрсатган эди. И. Павлов биринчи бўлиб болаларда идрокнинг бадий типини бўлишини кузатди. Ижодкорлар – ёзувчилар, муסיқачилар, рассомлар ва ҳ.к.лар ҳам шунга киради. Улар борлиқни яхлит, бутун, жонли идрок қила оладилар. Фикрловчилар аввал қисмларга бўлиб, кейин уларни яхлит идрок қилишга

уринадилар. Қисмларга бўлинганди жонли идрок қилиш мумкин бўлмайди. Типларга бўлиниш инсон психик фаолиятида ўнг ва чап ярим шарлар иштирокига ҳам боғлиқ. Бундай кузатишни ҳали 1864 йилда инглиз невропатологи Х. Жексон олиб борган эди. Нутқ ва мантиқ бош ўрин тутувчи таҳлилий тафаккурда чап ярим шар асосий аҳамиятга эга. Ўнг ярим шар эса идрок қилишда қабул қилинган элементларни бирдан ёки кетма-кет яхлитлаш талаб этилганда бош вазифани бажаради. Бунда нутқ асосий вазифани бажармайди. Ўнг ярим шарнинг функцияси мусикий образларни идрок қилиш билан боғлиқ (товушлар кетма-кетлигини оҳангга бирлаштириш), чап ярим шар эса ноталарни ўқишда аҳамиятга эга.

Агар ўнг ва чап қулоқ билан кетма-кет мусиқа эшиттириб кўрилса, мусикий билимга эга бўлмаган одам чап қулоқ билан эшитилган оҳангни яхшироқ идрок қилади: нерв импульслари кесишган ўтказувчи толалар ёрдамида бирдан ўнг ярим шарга боради. Профессионал мусиқачилар ва мусикий билимли одамлар ўнг қулоқ билан эшитилган мусиқани яхши эслаб қоладилар. Улар мусиқани алоҳида ноталарга бўлиб, таҳлилий қабул қиладилар, бу эса чап ярим шар функцияси билан боғлиқ.

Ярим шар устунлигини аниқлаш учун «кўзларнинг биргаликдаги ҳаракати» кузатилади. Агар одамга «Қайси китобни яхши кўрасиз» ёки «16 карра 20 неча бўлади» тарзида савол берилса, 75 % ҳолатда ўша дақиқанинг ўзида сўралувчининг назари чапга ёки ўнгга йўналади. Маълумки, ўнг ярим шарнинг кўз ҳаракати зонасига кўзғовчи таъсир қилганда назар чапга, чап ярим шарга таъсир қилса, ўнгга қарайди. Савол берилса, одам нутқ символлари ёрдамида, яъни «чап шарга мурожаат қилиб» жавоб қидиради. Чап ярим шар кўзғалади. Кўзғалиш кўз ҳаракати зонасини эгаллайди ва назар ўнгга бурилади (чап ярим шар одамлар). Кўргазмали-фазовий образли тафаккурга мойил одамлар жавоб қидиришда ўнг ярим шарга «мурожаат қиладилар». У кўзғалади ва назар чапга бурилади (ўнг яримшар одамлар). «Чап яримшар»лар кўпроқ мавҳум-символли, сўз-мантикий тафаккурга мойил. «Ўнг яримшарлар» - яхлит, синтезли, образли тафаккурга мойил.

бўладилар. Улар музикани яхши идрок қиладилар, улар учун сўзларнинг аҳамияти муҳим бўлибгина қолмай, интонация ҳам айниқса аҳамиятли.

И.П.Павловнинг борлиқни яхлит, бадий идрок қилишни энг биринчи бўлиб болаларда аниқлагани бежиз эмас. Болаларда иккинчи сигнал системаси ҳали кучсиз, улар беихтиёр «ўнг яримшарлар»: оламни таҳлилий эмас, образларда қабул қиладилар. Вақт ўтган сари сигнал системаси кучаяди, чап ярим шарнинг роли ошади. «Чап яримшарлар», «ўнг яримшарлар» тушунчаларини айнан, тор маънода тушуниш керак эмас. Иккита ярим шар ҳам ишлайди, лекин улардан бири у ёки бу функцияларда устунлик қилади ва шунга боғлиқ ҳолда пўстлоқ фаолиятининг бадий ёки фикрловчи типи устун бўлишини белгилайди.

Олий нерв фаолиятининг типи сифатидаги «фикрловчи» - бу идеал олимлик дегани эмас. Фанда факт ва таҳлил ҳам энг зарур нарса. Бирок ижодий тафаккур жараёнида фикр элементларини янги образлар тизимига бирлаштирувчи, фикрларни мантиқдан уза олиш қобилияти керак бўлади. Бусиз муаммога янги назар билан қараб бўлмайди.

Тушунчаларни яқинлаштириш. Ижодий иқтидорнинг кейинги шarti – ассоциациялаш (боғлаш)нинг енгиллиги ва боғлиқ тушунчалар узоқлиги, улар орасидаги «маънолар масофаси». Образлар ва тушунчаларни ўзаро боғлаш – уларни хотирада сақлашнинг конкрет шаклидир. Тафаккур жараёнида олдиндан ташкил этилган ва тартибга солинган (қисман идрок этиш давомида) маълумотлардан фойдаланилади. Ассоциатив боғланишлар характери жорий (ўша вақтдаги) идрок билан биргаликда фикрлаш жараёнининг боришини белгилайди ва чегаралайди. Инсон хотирасидаги сўзлар ассоциатив гуруҳларга тўпланиб туради ва идрок ҳамда тафаккур жараёнида тайёр ҳолда ишлатилади. Тайёр ассоциатив шаблонлар фикрлашни тежайди. Тайёр ассоциацияларсиз тафаккур узилган, пала-партиш бўлади, яъни фикрлаш жараёни оғир бузилишга учрайди.

Ассоциатив боғланишларнинг оптимал диапазони мавжуд бўлади. Бу диапазон чегарасидан чиқиш стандарт «штапм»ли тафаккурга, тушунча ва сўзларнинг бошқа маъносида фикрлашга олиб келади. Иккинчидан эса, патологик узилишлар, фикрлаш фрагментарлиги, фикрлашнинг бориши ва маъносини назорат қила олмасликка олиб келади. Фикрлаш жараёни эркин ассоциациялашдан шуниси билан фарқ қиладики, фикрлаш бу – йўналтирилган ассоциациялашдир. Уни нима йўналтиради? Ассоциацияларни йўналтирувчи ва уни фикрлашга айлантирувчи омил – мақсаддир. Қўйилган вазифа мақсадни белгилайди. Масалан, ҳовузга кувурлар орқали қуйилаётган сув ва ҳовуз ҳажми маълум бўлса, фикрлаш жараёнининг бориши ва йўналишини белгилайдиган мақсад қуйидаги саволда акс этади: ҳовуз қанча вақтда тўлади? Шунда «ҳовуз-чўмилиш-сузиш» тарзидаги тўғридан-тўғри боғланишлар тормозланади. (Баъзан ана шундай шаблон боғланишлар қўзғалади, савол эса ассоциатив жараёни ташкил қилишда йўналтирувчи аҳамият касб этмай қўяди. Лурия маълумотлари бўйича, мианинг пешона қисми зарарланганда шундай ҳолат юзага келади).

Хотира тайёрлиги. Одам муаммони ечаётганда у фақат айнан ўша вақт идрок қилаётган маълумотга ва хотирасига келган нарсага таяна олади. Маълумотни қайта ишлаш идрок ва эслаб қолиш жараёнида юз беради. Миёдаги ёзиб қўйиш шакли, таснифлаш, адреслар тизими ва қидириш тизими ҳам сезиларли аҳамиятга эга. Энг асосийси хотирада ассоциатив тармоқ бўлади. Масалан, миёда «тарвуз» тушунчаси шаклланганданок, у «юмалоқ», «ширин», «яшил» ва ҳ.к. тушунчалар билан боғлиқ бўлади. Вазифани интуитив, бир лаҳзада ечиш керакли маълумотни тез эслашни таъминловчи кўп сонли ассоциатив боғланишларга боғлиқ.

Тафаккур эгилувчанлиги. Маъноси узоқ бўлган бир ҳодисадан бошқасига тез ва осон ўтиш қобилиятига тафаккур эгилувчанлиги дейилади. Бундай қобилиятнинг йўқлиги инертлик, ригидлик, фикрнинг турғунлиги, қотиши ҳисобланади. Маъноси узоқ ва яқин дегани нима? Маъно

масофасини ўлчаш мумкинми? Бу шандай тахминий катталики, унга одамнинг функционал белгилаши (диққати) таъсир қилади. Буни америкалик психолог К. Дункер қуйидаги тадқиқотда кўрсатади. Синалувчига эшикка учта шам ўрнатиш таклиф этилади. Фойдаланиладиган нарсалар орасида болға, қутичада михлар, омбир ва ҳ.к.лар бор. Қутичаларни эшикка қоқиб, уларга шамларни ўрнатиш керак. Вазифа икки вариантда таклиф этилади. Биринчи ҳолатда қутичалар бўш эди, иккинчисида – михлар билан тўлдирилган. Биринчи вариантни ечишда ҳамма синалувчилар қутичаларни шам ўрнатгич сифатида қўладилар. Иккинчи вариантда синалувчиларнинг ярмигина қутичани бўшатиб, ундан шамдон сифатида фойдаланишга ақллари етди. Дункер буни қуйидагича тушунтиради: иккинчи вариантда қутичалар михлар учун идиш сифатида идрок қилинган, шунинг учун бошқа функцияларга ўтиш қийин бўлган.

Функционал фиксация (белгилаш)ни енгиш қобилияти – тафаккур эгилувчанлигининг бир кўринишидир. Тафаккур эгилувчанлиги кўрсаткичи юқори бўлган одамлар амалий вазифани ечишда тўғри қарорни тез топа оладилар.

Нотўғри фаразни вақтида рад эта олиш қобилияти ҳам тафаккур эгилувчанлигига киради. Агар қизик, лекин нотўғри ғоя устида узоқ бош қотирилса, вақт бой берилади. Фаразни жуда тез рад этиш эса ечимни топиш имконини бой беришга олиб келиши мумкин.

Инсон онги ўз атрофида хаёлий чизиқлар тортади, кейин эса уларга тўқнаша бошлайди. Шундай кўринмас, аммо, кучли чизиқлардан ўта олиш қобилиятига ақл эгилувчанлиги дейилади.

Баҳолаш қобилияти. Баҳолаш қобилияти ва танлаш муҳим аҳамиятга эга. Баҳолаш иш якунида эмас, балки ижодий жараёни босқичлар ва бўлимларга бўлишда ҳам хизмат қилади. Баҳолаш қобилиятининг бошқа қобилиятлардан фарқ қилишига биринчи бўлиб шахматчилар эътибор беришган.

Баҳолаш қобилиятини аниқлаш учун қуйидаги тажриба амалга оширилган. Раҳбарларга 25 та иш ҳисоботлари тарқатилган ва уларни 10 балли шкалада баҳолаш таклиф этилган. Тажрибанинг мақсади баҳоловчи раҳбарларнинг ўзларини баҳолаш бўлган. Уларнинг баъзилари 10 та балл (сон)нинг ҳаммасидан фойдаланиб, баъзан «+» ва «-» ишораларини ҳам қўллашган. Бошқалари эса аъло даражадаги ишларга 10, қониқарлисига 5, ёмонларига 1 балл қўйишган, бошқа баҳолардан улар фойдаланишмаган.

Биринчи раҳбарларни (синалувчиларни) «юқори дифференциаллаш даражали одамлар» деб, кейингиларини эса паст дифференциаллаш даражасига эга одамлар деб баҳолашган. Баҳолаш қобилияти паст одамлар, умуман, раҳбарликка паст қобилиятли одамлар бўлиб чиқишган: улар ўз қўл остидагиларни ёмон билишган, уларнинг индивидуал қобилиятларини ҳисобга олмай вазифалар беришган, яхши ишчиларни ёмон, қобилиятсизларини эса талантли деб ҳисоблаганлар. Уларнинг гуруҳлари самарасиз ишлаган.

Баҳолаш келажакда қандай йўлдан бориш кераклигини белгилайди. Ижодда мантикий баҳолашдан ташқари эстетик баҳолаш ҳам муҳим ҳисобланади.

Ғоялар оқими. Ижод самарадорлиги учун кучли ғоялар оқими ҳам хизмат қилади. Ғоялар қанча кўп бўлса, фикр шунча тез ишлайди ва энг тўғри ғояни танлаш осон бўлади.

Фикр ёки ғоя бир нечта тушунчаларни мантикий боғлашдир. Фикрнинг қотиб қолганлигини, фантазия, хаёл жараёнининг даражасини аниқлаш учун шундай вазифа бериш мумкин. Бу вазифа ғоя яратиш қобилиятини ҳам аниқлайди. Қуйидаги учта сўз иштирокида мазмунли гап тузиш: кўл, ой, бола. (Жавоб вариантлари: бола ой ёруғида кўлда чўмилди; бола кўлда ойнинг аксини кўрди ва ҳ.к.). Бу ғоя яратишнинг энг оддий ҳодисаси. Ғоялар чуқурлиги ва кучи билан ҳам баҳоланади. Объектлар ёки уларнинг алоҳида хусусиятлари ўртасида юзаки бўлмаган, чуқур моҳиятга эга ғоялар

назариялар, тадқиқотлар ва янги ғоялар учун асос бўлади ҳамда улар чуқур ва кучли ғоялар деб ҳисобланади.

Фикр туғилиши учун онгда бор образ (модел)нинг ҳеч бўлмаганда иккитаси қўзғалиши зарур. Мия ҳар қандай фикрни у ёки бу конкрет кодли шаклга солади. Турли одамларда кўриш, эшитиш, сўз, ҳарф, рақам ва б. кодлардан фойдаланиш қобилияти ҳар хил. Маълумотларни кодлаш акс эттириладиган ҳодиса мазмуни ва тузилишига муқобил бўлади.

Санъатда ва адабиётда махсус «кодлаш» орқали мазмун ёритилади. Масалан, мумтоз адабиётда. Мия конкрет код орқали ғоя яратади. Агар одам кўргазмали-образли тасаввурлардан фойдаланишга мойил бўлса, кўриб идрок қилиши кучли бўлади. Акустик-образли тасаввурнинг устунлиги мусиқий фантазиядан дарак беради. Борлиқни сўз-образлар шаклида ўзлаштиришга мойиллик шоирлик фантазиясини характерлайди ва ҳ.к. Лекин бу - одамни рассом, композитор ёки шоир қилиб қўймайди. Бу касблар қобилият, кўникмаларнинг яхлит комплексини, шунингдек, қобилиятларни йўналтиришга ёрдам берувчи шахсий сифатларни талаб қилади.

Олдиндан билиш қобилияти. Фикрлаш, ғоя яратиш қобилияти инсон ақли хусусиятларидан ажралмасдир. У фантазия ёки тасаввур дейилади. Тасаввурнинг уч хил тури бор.

Мантикий тасаввур мантикий ўзгаришлар ёрдамида *ҳозирдан - келажакни* келтириб чиқаради. Танқидий тасаввур замонавий техника, таълим тизими, ижтимоий ҳаёт ва ҳ.к.ларда айнан нима номукамал ва ўзгаришларга муҳтожлигини топади. Ижодий тасаввур янги ғоялар, реал ҳаётда йўқ, аммо, борлиқда бор элементларга таянувчи янги образлар яратади. Ижодий тасаввур жамият тараққиётида муҳим аҳамиятга эга.

Инсон онгида, яъни хаёлида ҳодисалар занжирини моделлаштиради. Бунда у ўз тажрибасига, борлиқ қонуниятларига суянади. Шу йўл билан моделлаштирилган воқеалар занжирининг яқуний қисми олдиндан билиб олинади.

Нутқ равонлиги. Фикрни кодлар – аналитик (формула) ёки график шаклда англатиш мумкин. Лекин сўз - нутқли код энг универсал.

Ғоя қандай символга солинмасин, уни сўзли кодга айлантириш керак бўлади. Натижани қоғозга тушириш фақат илмий мулоқот юритиш ёки илмий ишни эълон қилиш учун эмас, булки бу ўзига хос танқидий операция бўлиб, мантикий узилишларни, услубий хатолар ва назарий четлашишларни юзага чиқаради. Онгда туғилган зўр ғоя қоғозга туширилгач, оддий нарсадан фарқ қилмай қолиши мумкин.

Баъзан хато тарзда равон нутқ - ғоя яратиш қобилияти демакдир, деб тушунилади. Равон нутқ синтактик жиҳатдан тўғри қурилишга эга бўлса ҳам ҳеч қандай маъно англатмаслиги мумкин. Кўпинча матнни бошқа тилга таржима қилиш жараёнида мазмун бўшлиғи очилиб қолиши бунга мисол бўлади.

Мазмунсиз равонлик мусиқада, рақсда, рассомчиликда ҳам кўринади. Унда намоён этиш техникаси бор, лекин намойиш мазмуни йўқ. Бежиз қадимий риторикада нотиқликнинг биринчи қоидаси: «Айтадиган гапинг бўлмаса, гапирма» - деб ҳисобланмаган.

Тўлдириш қобилияти. Бошланган ишни энг охирги деталларигача ишлаб чиқиш, мукаммаллаштириш ижод талабларидан биридир. Академик А.Н. Крилов: «Ҳар қандай амалий ишда ғоя 2 % - 5% ни, қолган 98 – 95 % ижрони талаб қилади» - деб ҳисоблаганди.

Юқорида санаб ўтилган ижодий қобилиятлар оддий фикрлаш қобилиятидан фарқ қилмайди. Ижодкор шахслар учун махсус психологик қонуниятлар йўқ. Инсон ақлининг элементар қобилиятлари ҳаммада бир ҳил. Фақат улар кучли ва кучсиз намоён бўлади ва бир-бири билан турли тарзда боғланади. Масалан, муаммо қўя олиш, ақл эгилувчанлиги, ғоя ярата олиш ва бир-биридан узоқ нарсаларни ассоциациялаш қобилияти ностандарт тафаккурни намоён қилади. Бу эса талантнинг узилмас таркибий қисми ҳисобланади.

ХУЛОСА

Шахснинг барча мавжудотлардан фарқлилиги ва устунлигининг бир белгиси унинг яратувчилик қобилиятидир. Темир интизомга ва фикрини назорат қилиб туришга мойил инсонлар оригинал ижод қила олмайдилар. Ғоя – эркинликни ҳар қандай онгли фаолиятнинг биринчи шарти деб қабул қилувчи, ички ижодий тузилишга эга одамларни яхши кўради. Шахс айнан ўз кўркувидан, ҳасадидан ва бошқа салбий ҳислатларидан виждонини озод қилиши керак. Услуб (оригиналлик) айнан ички эркинликдан келади, бусиз эса ижоднинг бўлиши мумкин эмас⁴.

Психоанализда ҳам эркинлик – шахс тушунчасининг биринчи таркибий қисми ва психологик маслаҳат беришнинг биринчи тамойилидир.

Психоанализ таълимотида жамоавий онгсизлик (ёки онг ости) даражаси деган тушунча мавжуд. Буюк шеърят, санъат, фалсафа ва дин инсоният жамоавий онгсизлигининг онг доирасига чиқиши – инсайти демакдир.

Баъзи психотерапевтлар шахсни айбдорлик ҳиссидан озод қилишга интиладилар. Аммо, айнан айбдорлик ҳисси ижод учун имкониятларни очади. Айбдорлик ҳисси – бу бирор ҳолат (аҳвол, буюм, муносабат ва ҳ.к.) нинг ҳақиқатда қандайлиги ва қандай бўлиши лозимлиги ўртасидаги фарқни англашдир. Демак, ижодкор шахси учун терапевтик мақсаддаги психоанализ хатарли экан.

Ижодкор (рассом) абстракционизмни танлаган бўлса, демак унинг кўнглига қулоқ солишимизга эҳтиёжи борлигини англаймиз. Шоир ёки ёзувчи эса реал ҳақиқатни моҳирлик билан кўрсатиш, образлар, тафаккур ва сўз (сигнал)лар ўйини орқали кўнглини очади. Ижодкор фаолиятининг маҳсули психоанализ объекти ва бир вақтнинг ўзида моҳиятни очувчи калит (предмет) бўлиб ҳам ҳисобланади.

⁴ Лук А.Н. Психология творчества. М. 1978. с.93.

Ижодкор илҳхоми катарсисга⁵ моҳиятан жуда яқин. Катарсис – юнон тилида тозаланиш (халос бўлиш) демакдир. Катарсис – психологик ҳимоянинг бир тури бўлиб, у кўнгилни зада қилувчи омил таъсирини кучсизлантириш мақсадида қадриятлар тизимини ўзгартиради. Бунинг учун ташқи, универсал қадриятлар тизими қўлланилади ва шу нуқтаи назардан кўнгилни жароҳатловчи вазият ўз аҳамиятини йўқотади. Катарсис фақат одатий қадриятлар ва мотивлар нисбатини ўзгартирувчи кучли эмоционал босим, қизғин эҳтирослар натижасида вужудга келади. Масалан, кучли кўркувни бошдан кечириш ахлоқий янгиланишга, виждон уйғонишига, диний эътикод пайдо бўлишига, руҳан янгиланишга олиб келади. Катарсиснинг асосий моменти кучли эмоционал тўлқин (портлаш) ҳисобланади.

Ижодкор катарсис ҳолатида ўз «Мен»ини мутаносиблаштиради, уни синтезлайди. В. Шалимов айтганидек: «Рассом учун чизиш – бу оғриқдан халос бўлиш, оғриқни кучсизлантиришдир». Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» романининг охириги бобларини йиғлаб ёзганлигини шу ерда эслатиб ўтиш лозим. Катарсисда ижодкор ички зиддиятлардан тозаланади, субъектив фикрлари устидан ғалаба қилади. Санъат катарсис орқали ижтимоий онгнинг махсус, олий шакллари ахлоқий янгиланиш ва шахс камолотига эришиш воситасида ишлаб чиқади.

⁵ Катарсис – Аристотель киритган атама. Инсоннинг ёмон ҳиссиётлардан, аффектлардан тозаланиш жараёни бўлиб, энг ижтимоий аҳамиятга эга эмоциялар – кўркув ва ҳамдардликка таъсир этиш орқали амалга оширилади, деб тушунтиради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Ўзбекистон. 2008 . - 220 б.
2. Артемьев П. Психология самопознания или как найти формулу жизни. М. 2002. с.140.
3. Бочоришвили А.Т. Проблема бессознательного в психологии. Тбилиси. 1961. 68 с.
4. Вацлавик П. Как стать несчастным без посторонней помощи? М. Прогресс. 1990. 156 с.
5. Вайнцвайг П. Десять заповедей творческой личности. М. Прогресс. 1990. 186 с.
6. Дудецкий А.Я. Теоритические вопросы воображения и творчества. Смоленск.1974. 151 с.
7. Иванов Г.И. Основные мотивы творческой деятельности человека. (Тезисы). Ангарск. 1999. (Интернет материалы).
8. Каримова В., Акрамова Ф. Психология. (Маърузалар матни). Тошкент. 2000.
9. Лук А.Н. Психология творчества. М. Наука. 1978. 125 с.
10. Миронов А.В. Минуты поэтических вдохновений. Ярославль. 1970. 205 с.
11. Моляко В.А. Психология творческой деятельности. Киев. 1978. 44 с.
12. Мухиддинов М. «Хамса»ларнинг биринчи дostonларида комил инсон тасвири. Самарқанд. 2001. – 109 б.
13. Ниренберг Дж. Калеро Г. Читать человека – как книгу. М. Экономика. Академия здоровья. 1990. 47 с.
14. Платонов К.К. Занимательная психология. М. Молодая гвардия. 1986. 222 с.
15. Салоҳий Д.И. «Бадоеъ ул-бидоя» малоҳати. Т. Фан. 2004. 144 б.

16. Старовойтов В.В. Психология и художественное творчество. М. 2005. (Интернет материалы).
17. Фрейд З. Введение в психоанализ. Общая теория неврозов. Шестнадцатая лекция. Психоанализ и психиатрия. (Интернет материалы).
18. Халилов М.Х. Билиш жараёнлари психологияси. 1-2-қисмлар. Самарқанд. 2000.
19. Шерток Л., Р. де Соссюр. Рождение психоаналитика. От Месмера до Фрейда. М. Прогресс. 1991. 286 с.
20. Ғозиев Э. Умумий психология. Дарслик. Тошкент. 2010.

ИЛОВА

ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТ УЧУН МАХСУС ТЕСТ:

1. *Муаммо топиш тезлиги.* Қоғозга оддий объект билан боғлиқ (масалан, дарахт) оддий бўлмаган муаммоларни ёзиш. Баъзи саволлар қуйидаги шаклда қўйилади: «Бу дарахт сизга берилса, уни нима қилар эдингиз?»
2. *Фикр юритиш тезлиги.* Шундай сўз айтиш таклиф этиладики, унга бирдан уч хусусият тегишли бўлсин. Масалан, юмшоқ, оқ, истеъмол маҳсулоти.
3. *Ассоциациялашнинг осонлиги.* Берилган сўз маъносига тескари сўзларни айтиш. Масалан, «эски» ёки «қуруқ» сўзларига.
4. *Нутқ равллиги.* Бир хил юклама ёки қўшимча билан тугайдиган сўзларни ўйлаб топиш.
5. *Объектлар категориясини билиш қобилияти.* Маълум бир таъриф барчасига тегишли бўлган сўзларни ёзиш (масалан, юмалоқ).
6. *Гуруҳлаш қобилияти.* Синалувчига сўзлар рўйхати берилади: ўк, ари, балиқ, яхта, тимсоҳ, қирғий, чумчук. Бу сўзларни имкон даражасида кўпроқ синфларга (қушлар, сузувчилар, тирик жонзотлар, йиртқич ва б. объектлар) ажратиб гуруҳлаш талаб қилинади.
7. *Хулоса чиқариш.* Вазият таърифи берилади ва унинг натижасини ўйлаб топиш таклиф қилинади. Масалан, «Тўхтамасдан ёмғир ёғса нима бўлади?» (жавоб одатда – «ҳаммамиз ҳўл бўламиз», «соябонлар қимматлашади», «тоғларга кўчиб чиқамиз», «Тибетда аҳоли кўпайиб кетади», «сувности сузиш кийими қимматлашади» ва ҳ.к. тарзида бўлади).
8. *Касб рамзи.* Таниш предмет тасвирланган расмни, масалан, электр лампочкаси расмини синалувчига берамиз. Бу предмет қайси касблар учун рамз бўла олишини топиш керак. (Электрик, ўқитувчи, олим ва ҳ.к.).
9. *Символларни шакллантириш.* 12 та катакка бўлинган қоғозда «одам кетяпти», «самолёт осмонга кўтариляпти», «ғазаб», «фахр» жумлалари берилган. Бу жумлаларни қалам билан символик (иллюстрация шаклида эмас) ифодалаш керак.
10. *Сўраб топиш.* Синалувчига сюжетли расм берилади. У расм сюжетида жавоби бўлмаган саволни бериши керак. Шунингдек, унга расмда тасвирлангандан олдинги вазиятлар ҳақида саволлар берилади.
11. *Объектни яхшилаш.* Ўйинчокни (кучукча, маймун) мукаммаллаштириш, яъни уни ёқимтойроқ қилиш керак. Фикр эгилувчанлиги, оригиналлик, кашфиётчилик баҳоланади.
12. *Тасаввур.* Таклиф қилинган 10 та мавзудан бирига кичик ҳикоя яратиш. Мавзуда ғайритабиийлик бўлиши керак, масалан, «учадиган тимсоҳ», «йиғлаётган эркак» ва ҳ.к.
13. *Расмни тугаллаш.* Синалувчи тугалланмаган расмни ниҳоясига етказиши керак. Бунда расм моҳиятига чуқур кириб бора олиш, оригиналлик, фантазия эътиборга олинади.
14. *Айлана ва квадратлар.* Қоғозда тартибсиз 35 та айлана ва квадратлар жойлашган. Айлана асосий қисми бўлган турли предметлар чизиш керак. Расм остига предмет номи ёзилади.

Одатда товоқ, ҳаво шари, монокль, ғилдирак чизадилар. Ғайритабиий расмга мисол – юқори лабга қўнган чивинга одамнинг бурни қандай кўринар эди. Енгил, эгилувчи фикр, оригиналлик баҳоланади.

15. *Фикрни англата олиш.* Фантастик вазият расми бўйича унинг мумкин бўлган оқибатларини таърифлаш. «Тасаввур қилинг, одам кир ювиш машинасига кириб, ундан ясси ва қуруқ бўлиб чиқди. Тест натижасида эркин фикр, оригиналлик баҳоланади.
16. *Конструкторлик.* Стандарт деталлардан – рангли қоғоз ёки картон парчаларидан сурат тузиш керак. Сюжет мазмунли бўлиши, унга сарлавҳа қўйилиши керак. Экспериментчи тасвир оригиналлигини, ахборот етказа олиш даражасини, фантазияни баҳолайди.

Фикр «енгиллиги», «эгилувчанлиги», «оригиналлиги» тушунчалари юқорида кўрсатилган вазифаларнинг бажарилишида намоён бўлади.

